


ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-июнь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот(хизмат)ларининг умумий ҳажми 35 210,8 млрд.сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 102,7 %ни, шу жумладан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 35 012,3 млрд.сўмни (102,7 %), ўрмон хўжалигида – 58,7 млрд.сўмни (100,7 фоиз), балиқ хўжалигида – 139,8 млрд.сўмни (130,2 %) ташкил қилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)нинг ҳажми



Хусусан юқори ўсиш суръатлари Сурхондарё (106,5 %), Андижон (105,8 %), Наманган (105,5 %) ва Жиззах (104,9 %) вилоятларида кузатилди. Сирдарё (100,2 %), Самарқанд ва Фарғона (100,5 %) вилоятларида эса аксинча паст суръатлар кузатилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар) умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши



Республиканинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)ининг умумий ҳажмида Андижон вилоятининг улуши 12,0 %ни ташкил этди ва ҳудудлар бўйича етакчилик қилмоқда, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари мос равишда 11,5 % ва 10,8% кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллади. Энг кам улуш Қорақалпоғистон Республикаси (2,1%), Сирдарё (3,6%) ва Жиззах (4,3 %) вилоятларида қайд этилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

2018 йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг ўсиши 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 102,7%ни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари – 101,1%ни, чорвачилик маҳсулотлари – 105,4 %ни ташкил қилди.

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши



Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 80,4%и – дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 17,6 %и – фермер хўжаликларига, 2,0 %и – қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатди.

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича ҳудудлар кесимида тақсимланиши



- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти улушининг хўжаликлар тоифалари бўйича ҳудудлар кесимида тақсимланиши таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткичлар барча ҳудудларда деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келиши кузатилди.

Дехқончилик

2018 йилнинг январь-июнь ойларида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 21 242,8 млрд.сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 101,1 %ни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 61,5 %ни ташкил қилди.


2018 йилнинг январь-июнь ойларида хўжаликлар тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Барча тоифадаги хўжаликлар		шу жумладан					
		фермер хўжаликлари		деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
минг т	ўсиш суръати %	минг т	ўсиш суръати %	минг т	ўсиш суръати %	минг т	ўсиш суръати %

Дон								
экинлари	4 642,4	85,9	3 823,7	86,4	737,5	79,5	81,2	148,2
Картошка	1 485,9	105,3	89,1	73,9	1 392,3	108,2	4,5	121,7
Сабзавотлар								
Полиз	215,4	112,6	60,4	88,7	152,1	126,3	2,9	106,6
Мевалар ва резаворлар								
Узум	41,6	149,2	14,6	2,2 п.	26,5	125,4	0,5	2,3 п.


2018 йил январь-июнь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда дон экинлари 4 642,4 минг т (85,9 %), картошка 1 485,9 минг т (105,3 %), сабзавотлар 3 140,1 минг т (104,7 %), полиз 215,4 минг т (112,6 %), мевалар ва резаворлар 934,6 минг т (100,5 %), узум 41,6 минг т (149,2 %) ишлаб чиқарилган.

Асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хўжаликлар тоифаларининг улуши




2018 йил январь-июнь ойларида ҳудудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Дон экинлари (минг т)




Картошка (минг т)




Сабзавотлар (минг т)




Полиз (минг т)



Мевалар ва резаворлар (минг т)



Ўзум (минг т)



Чорвачилик

2018 йилнинг январь-июнь ойларида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 13 289,8 млрд.сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 105,4 %ни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 38,5 %ни ташкил этди.

2018 йилнинг январь-июнь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 1 133,9 минг т гўшт (2017 йилнинг январь-июнига нисбатан 5,3 %га кўп), 4 741,7 минг т сут (5,4 %га кўп), 3 554,9 млн.дона тухум (9,6 %га га кўп), 19,9 минг т жун (0,6 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

2018 йилнинг январь-июнь ойларида хўжаликлар тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Барча тоифадаги хўжаликлар		шу жумладан					
			фермер хўжаликлари		деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	миқ-дори	ўсиш суръати%	миқ-дори	ўсиш суръати%	миқ-дори	ўсиш суръати%	миқ-дори	ўсиш суръати%
Гўшт тирик вазнда, минг т	1 133,9	105,3	39,7	150,7	1 057,8	103,7	36,4	119,4
Сут, минг т	4 741,7	105,4	197,5	128,0	4 503,5	104,4	40,7	131,1
Тухум, млн. дона	3 554,9	109,6	374,3	128,3	2 171,6	105,3	1 009,0	113,6
Жун, т	19,9	100,6	1,9	156,8	17,1	98,5	0,9	74,1
Қўракўл, млн. дона	915,1	98,1	69,9	126,7	751,9	97,8	93,3	86,2

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилинганда, тирик вазндаги гўшт умумий ҳажмининг 93,3 %ни деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, шунингдек сутнинг 95,0 %, тухумнинг 61,1 %, жуннинг 86,0 %, қоракўл терининг 82,2 % деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келишини қайд қилиш зарур.

Асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хўжаликлар тоифаларининг улуши



Худудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик ва балиқчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш



Тухум (млн. дона)



Балиқ (т)




2018 йилнинг 1 июль ҳолатига хўжаликлар тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони

	Барча тоифадаги хўжаликлар		шу жумладан					
			фермер хўжаликлари		деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташилотлар	
	минг бош	ўсиш суръати %	минг бош	ўсиш суръати %	минг бош	ўсиш суръати %	минг бош	ўсиш суръати %
Йирик шохли қорамоллар	12 282,4	100,9	604,4	104,2	11 516,5	100,6	161,5	112,4
шу жумладан сигирлар	4 408,3	101,6	194,5	98,3	4 174,4	101,8	39,4	98,6
Қўй ва эчкилар	21 050,6	103,2	2 284,4	140,0	17 561,3	102,1	1 205,3	77,4
Паррандалар	74 203,7	107,7	9 399,1	119,1	45 344,1	101,8	19 460,5	118,2

2018 йилнинг 1 июль ҳолатига йирик шохли қорамолларнинг умумий бош сони 12 282,4 минг бошга, шу жумладан сигирлар – 4 408,3 минг бошга, қўй ва эчкилар – 21 050,6 минг бошга, паррандалар – 74 203,7 минг бошга етди.

2017 йилнинг мос даври билан солиштирилганда барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони – 106,9 минг бошга (0,9 %га), шу жумладан сигирлар – 70,3 минг бошга (1,6 %га), қўй ва эчкилар – 662,1 минг бошга (3,2 %га), паррандалар – 5 296,9 минг бошга (7,7 %га) кўпайди.

Чорва моллари ва паррандалар бош сонида хўжаликлар тоифаларининг улуши



- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

2018 йилнинг 1 июль ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, йирик шохли қорамолларнинг 4,9 %и фермер хўжаликлари ҳиссасига, 93,8 %и дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 1,3 %и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим, шунга мос равишда қўй ва эчкиларнинг умумий сонидан 10,9 %и фермер хўжаликларига, 83,4 %и дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 5,7 %и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади, шунингдек паррандалар умумий сонидан 12,7 %и фермер хўжаликларига, 61,1 %и дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 26,2 %и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

2018 йилнинг 1 июль ҳолатига ҳудудлар кесимида чорва моллари ва паррандалар бош сони

Йирик шохли қорамоллар (минг бош)



шу жумладан сигирлар (минг бош)



Кўй ва эчкилар (минг бош)



Паррандалар (минг бош)



